

## ЭРТАКЛАР ТИПОЛОГИК КАТАЛОГИНИ ЯРАТИШ МАСАЛАРИГА ОИД

**Хуррам Рахимович РАХИМОВ**

Филология фанлари номзоди, профессор

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети, Тошкент, Ўзбекистон

## К ВОПРОСУ О СОСТАВЛЕНИИ ТИПОЛОГИЧЕСКОГО КАТАЛОГА СКАЗОК

**Хуррам Рахимович РАХИМОВ**

Кандидат филологических наук, профессор

Узбекский государственный университет мировых языков, Ташкент, Узбекистан

## THE EXPERIENCE OF CREATING A TYPOLOGICAL CATALOGUE OF FAIRY TALES

**Khurram Rakhimovich RAKHIMOV**

Candidate of philological sciences, professor

Uzbekistan State World Languages University

Tashkent, Uzbekistan [churram@mail.ru](mailto:churram@mail.ru)

UDC (УЎК, УДК):

**For citation (иктибос келтириш учун,  
для цитирования):**

Рахимов Х. Р. Эртаklar типологик каталогини  
яратиш масаларига оид //Ўзбекистонда  
хорижий тиллар. — 2021. — № 1 (36). —  
Б.225-234

<https://doi.org/10.36078/1619592898>

**Received:** November 04, 2020

**Accepted:** February 17, 2021

**Published:** February 20, 2021

Copyright © 2021 by author(s).

This work is licensed under the Creative  
Commons Attribution International License  
(CC BY 4.0).

<http://creativecommons.org/licenses/by/4.0/>



Open Access

**Аннотация.** Ушбу мақолада “Ўзбек сеҳрли эртаклари типологик каталоги”ни яратиш жараёнлари ҳақида сўз боради. Мазкур каталогни яратишда мингдан ортик ўзбек сеҳрли эртаклари ўрганилди ва 145 тип эртақ таснифий типлари яратилди ҳамда улар ўзбек мамлакатшунослиги, этнографияси, халқаро фольклоршунослик фани асосида махсус ижтимоий-маданий шарҳлар билан тавсифланди. Шунингдек, халқаро типологизация принциплари асосида каталоглаштириш тажрибаси натижасида тузилган дастлабки Германия ва Ўзбекистон олимларининг илмий-амалий ҳамкорлиги бўлиб, асосан, ЎРФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институтидаги фольклор архиви материаллари, кўплаб нашрлар ҳамда муаллиф тарихималарига асосланади. Каталогнинг олмон тилида яратилиши илмий янгилик бўлиб, унинг халқаро тадқиқотларга тезроқ уйғунлашувига имкон яратади. Мазкур типологик каталогни яратишда турк ва мўғул эртаклари каталоги олмон тилида қандай яратилганлиги ўрганилди, чунки бу икки халқ маданияти ўзбек халқи маданияти билан чамбарсас боғлиқдир. Типлар каталоги нима, у қандай яратилади? каби саволларга муаллиф томонидан батафсил изоҳ берилди.

**Калит сўзлари:** вариант; версия; каталог; мотив; нормал шакл; сеҳрли эртақ; тип; типология; фольклор; эртақ; эртақчи; эртақшунослик.

**Аннотация.** В статье речь идет о «Типологическом каталоге узбекских сказок». При создании этого каталога было изучено более тысячи узбекских сказок и выявлено 145 видов сказок, которые характеризовались особой социокультурной интерпретацией на основе узбекской страноведческой, этнографической, международной фольклористики. Это также первое научно-практическое сотрудничество ученых Германии и Узбекистана, составленное в результате опыта каталогизации на основе международной типологии гравюр, в основном на основе

материалов фольклорного архива Института узбекского языка, литературы и фольклора, а также многочисленных публикаций и авторства. Создание каталога на немецком языке — это научная инновация, позволяющая быстрее адаптироваться к международным исследованиям. При создании этого типологического каталога было изучено, как создавался каталог турецких и монгольских сказок на немецком языке, поскольку культура этих двух народов тесно связана с культурой узбекского народа. Что такое каталог типов, как его создать? такие вопросы были подробно разъяснены автором.

**Ключевые слова:** вариант; версия; каталог; мотив; нормальная форма; волшебная сказка; сказитель; тип; типология; фольклор; фольклористика.

**Abstract.** The article deals with the processes of creating the “typological catalogue of Uzbek fairy tales”. In the creation of this catalogue more than a thousand Uzbek fairy tales were studied and 145 types of fairy tales were created; they were characterized by special socio-cultural interpretations on the basis of Uzbek country science, ethnography and International Folklore science. It should be noted that it is the first scientific-practical cooperation of scientists of Germany and Uzbekistan, compiled as a result of the experience of cataloguing on the basis of international typology prints, mainly based on the materials of folklore archive at the Institute of Uzbek language, literature and folklore, as well as numerous publications and authorship. The creation of German-language catalogue is a scientific innovation, which allows adapting to international research faster. When creating this typological catalogue, it was studied how the catalogue of Turkish and Mongolian fairy tales was created in German, since the culture of these two nations is closely connected with the culture of the Uzbek people. The questions as “What is a typological catalogue?”, “How to create these kind of catalogues?” were considered in detail by the author.

**Keywords:** option; version; catalog; motiv; normal form; magic fairy tale; type; typology; folklore; fairy tale; fairy tale-teller.

**Кириш.** Халқаро фольклористика тарихида турли каталоглаштириш тажрибалари мавжуд. Жумладан халқ оғзаки ижодининг энг кенг тарқалган ва энг кўп ривожланган жанри бўлган халқ эртақларини каталоглаштириш Европада XX аср бошидан бошланган ва бу ишни дастлаб Анти Аарне Vergleichende Märchenforschung, MSFO 25, Helsingfors ном билан 1908 йили чоп эттирган (1). Бу пионер тадқиқотнинг давоми сифатида Стит Томпсон ўзининг Motif-Index of Folk-Literature, a Classification of Narrative Elements in Folktales, Ballads, Myths, Fables, Mediaeval Romances, exempla, Fabliaux, Jest-Books and Local Legends номли каталогини 1955 йилда АҚШда чоп эттирди (16).

Олмония фольклоршуносликнинг энг қадимги анъаналари пайдо бўлган мамлакатдир. Ака-ука Якоб ва Вилхелм Гриммлар эртақ материалларини тадқиқ қилишнинг дастлабки илмий асосларини ишлаб чиқишган. Шу сабабларга кўра Волфрам Эберхард ва Пертев Наили Боратав (Wolfram Eberhard/ Pertev Naili Boratav (EB)нинг *Турк эртақлари каталоги* ва Ласло Лўринч (László Lőrincz (L) тузган *Муҳул эртақлари каталоги* ҳам олмон тилида яратилгани тасодифий ҳол бўлиб кўринмайди. Биз айнан шу каталогларга алоҳида эътиборни қаратдик, чунки бу иккала халқ маданиятлари Ўзбекистон тарихига бевосита алоқадордир. Қолаверса, каталогнинг олмон тилида яратилиши унинг

халқаро тадқиқотларга тезроқ уйғунлашувига имкон яратади. Унинг ўзбек тилига таржима қилиниши эса каталогнинг ўзбек фольклоршуносларига яқинлашувига ва фольклор матнларининг типологизациясидан ҳосил бўлган тажрибалар ўзбек фани учун бевосита фойдаланилишига имкон туғдиради.

**Асосий қисм.** Ушбу мақоланинг асосий мақсади Германияда илк бор яратилган „Tupenkatalog usbekischer Zauber märchen mit kulturhistorischen Erläuterungen“ (Ўзбек сеҳрли эртақлари типологик каталоги)ни мухтасар ҳолда тақдим этишдан иборат (10). Мазкур каталог нафақат Ўзбекистонда, балки Ўрта ва Марказий Осиё минтақаси эртақлари асосида яратилган илк лойиҳа, биринчи каталогдир. У дастлаб 842 саҳифадан иборат икки жилдли энциклопедик характердаги илмий манба сифатида чоп этилди. Тадқиқот материаллари ва инерцияси муаллифларга каталогнинг учинчи 200 саҳифадан иборат жилдини ҳам тайёрлашга ундади ва у шу йили нашрга топширилиши режалаштирилган.

Мазкур каталог узоқ давом этган Германия ва Ўзбекистон олимларининг илмий-амалий ҳамкорлиги натижаси ҳисобланади ва, асосан, ЎРФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклор институтидаги фольклор архиви материаллари, кўплаб нашрлар ҳамда ўз таржималаримизга асосланади. У лойиҳа ва тадқиқотларимиз материалларининг хужжатлашган шаклидир. Айни пайтда биз биргаликда ушбу каталогнинг ўзбек тилига таржимаси ҳақида ҳам қайғуриб, унинг ўзбекча таржимасини нашрга тайёрладик ва у шу 2020 йилда чоп этилиши режалаштирилган. Фақат шу йўл билан у Ўзбекистонда кенг жамоатчиликка ўз она тилидаги баёни орқали ўз мақсад ва вазифасини бажариши мумкин бўлади. Каталог халқаро анъанага монанд ҳолда илмий муомалага лотинча **КРЖ** қисқартмаси билан уйғунлашади. У учала муаллиф (Г. Келлер, Х. Рахимов ва М. Жўраев)лар фамилияларининг лотинча биринчи ҳарфларини билдиради.

Ушбу каталогда мингдан ортиқ ўзбек сеҳрли эртақлари таҳлили орқали Габриеле Келлер ва Хуррам Раҳимовлар томонидан 145 тип эртақ таснифий типлари яратилди ва улар ўзбек мамлакатшунослиги, этнографияси ҳамда халқаро фольклоршунослик фани асосида махсус ижтимоий-маданый шарҳлар билан тавсифланди. Бу орқали XX асрнинг биринчи ярмигача мавжуд бўлган, аммо тобора авж олаётган техник тараққиёт таъсирида йўқолиб бораётган ўзбек халқ оғзаки ижоди хазинасининг типологик тасниф ва тавсифи тақдим этилди.

Германиянинг Фрайбург университетида 2002 йилда таъсис этилган Deutsch-Usbekische Wissenschaftliche Gesellschaft — DUWG (Олмон-Ўзбек Илмий Жамияти — ОЎИЖ)нинг Самарқанддаги тарих ва маданият музейи билан ҳамкорликда 1998, 1999 ва 2008 йилларда ўтказган илмий экспедициялари Ўзбекистоннинг шу пайтгача замонавий методларда типологик жиҳатдан кенг қамровда ўрганилмаган эртақ ландшафтлари лойиҳа муаллифлари томонидан янгича ёндошиш ва имкониятлар асосида бевосита ўзбек эртақчи момолари ва боболари оғзидан оҳанграбо тасмасига ёзиб олинди. Бу эртақлар тадқиқотларининг дастлабки натижалари нашрларда бизнинг таржимамизда олмон тилига ўгирилиб чоп этирилди. Ва ниҳоят, бу йил лойиҳамизнинг асосий натижаси бўлган икки томли „Tupenkatalog usbekischer Zauber märchen. Freiburg Taschkent 2018“ (Ўзбек сеҳрли эртақлари типологик каталоги) номли китобимизнинг олмон тилидаги дастлабки нашри Фрайбургда тайёрланди ва Ўзбекистонда чоп этилди.

Ўзбекистоннинг оғиздан-оғизга ўтиб келаётган эртаклари анъанавий урф-одат негизида бўлиб, улар бетакрор маданий бойлик ва эртақ айтиш услуби ва анъаналарига кўра қиёси йўқ хазинадир. Бу анъаналар турли қадимий маданий қатламларни ишонарли ва яққол намоён қилади. Уларда Ғарб дунёси эртақларининг кўплаб илдизлари ҳам топилади. Куйида тақдим этилаётган тадқиқот халқаро эртақшунослик терминологияси асосида шу пайтгача типологик нуқтаи назардан ўрганилмаган ва халқаро илмий жамоатчиликка нотаниш бўлган ўзбек эртаклари хазинасини мазмунан ва шаклан тавсифи ҳақидаги билим ва тасаввурларни чуқурлаштиради, уни халқаро тадқиқот ва изланишларга очиб бериш орқали уйғунлаштиради.

Даставвал типологик таҳлилга доир фикр-мулоҳазаларини тушунарали қилиш учун айрим тушунча ва терминларни ойдинлаштириш лозим.

**1. Типлар каталоги нима, у қандай яратилади?** Бунинг учун аввалбошдан куйидаги тўрт асосий тушунча ойдинлаштирилиши лозим: типология, эртақ типи, эртақ мотиви, нормал шакл. Типологиянинг вазифаси тадқиқот натижаларини қиёсий таҳлил қилиш ва уларга тизимли асосда тартиб бериш демакдир. Шу мақсадда типлар каталоглари яратилади ва илмий манба ҳамда методологик қўлланма сифатида қўлланилади. Эртақ типлари каталоги учун эртақ типи деб номланувчи махсус типлар ишлаб чиқилади.

**Эртақ типлари** эртақ мотивлари алоқасидан иборат бўлиб, улар катта-катта жуғрофий ва даврий ҳудудларда узоқ ва давомли ҳукм сурган анъаналардан иборат. **Эртақ мотивлари** деганда эртақ ҳикояларини ташкил қилувчи катта-кичик элементлар тушунилади. **Бош мотив** эса маълум бир эртақ типига мансуб эканлиги билан характерланади.

Маълум бир эртақ айтиш типини англаш учун асосий андоза сифатида **нормал шакл** деб аталувчи бирлик яратилади ва у маълум айтиш услуби мотивларини ҳикоя жараёнида умумлаштиради. Булар каталог яратишнинг асосий талаблари ҳисобланади.

**Эртақ типлари ва эртақ мотивларининг** келиб чиқишини ҳамиша ҳам осонликча аниқлаш мушкул. Бу ҳолат тадқиқотда турли назарияларни илгари суришга сабаб бўлади. Шунинг учун халқаро миқёсда иложи борича кўпроқ қиёсий материал изланади. Алоҳида мамлакатларнинг анъаналарини кам инobatга олган ҳар қандай эртақшунослик бирёқламадир. Шу маънода ўзбек сеҳрли эртаклари каталоги умумий илмга ўзбек эртақларининг бой хазинаси ёрдамида ўз ҳиссасини қўшади.

**2. Эртақ типларини каталоглаштириш тарихи** Европада 1909 йилда олмон тилида фин фолклоршуноси Антти Аарне томонидан бошланиб, фолклоршунос олим Ститх Томсон томонидан инглиз тилида давом эттирилди. Бу каталог тажрибаси кейинчалик дунё буйлаб фойдаланилди. 2004 йилда Гёттенгенлик олмон олими Ҳанс Ёрг Утер бу каталогни қайта ишлаб, 3 жилда Арне-Томсон-Утер (АТУ) ҳаммуаллифлигида яна инглиз тилида номи билан чоп эттирди (17).

### **3. KRJ – КРЖ ўзбек каталогининг яратилиши**

Ўзбек (KRJ) — КРЖ каталоги муаллифларнинг 20 йиллик халқаро ҳамкорлиги натижасидир. КРЖ кискартма сўзининг маъноси куйидагича изоҳланади:

**К** – Германиялик эртақшунос олима, Низомий номидаги ТДПУ фахрий доктори **Габриеле Келлер** лойиҳа раҳбарлигида ўзбек муаллифлари ўз шогирдлари билан бирга сеҳрли эртақларнинг мазмуни

ва мотивларини аниқлашди ва уларни олмон тилига таржима қилишди. Шундан сўнг Келлер хоним бу эртақларнинг таҳлили, типологизацияси ва ўрганилган барча материални рақамлаштиришни камина Хуррам Рахимов ҳамкорлигида амалга оширди.

**Р – Низомий номидаги ТДПУ профессори, ОЎИЖ раиси Хуррам Рахимов** ўз кафедраси ёш олимлари Ш. Атаев, А. Қосимов, Д. Курбонов, Б. Мирхолиқовларни лойиҳага жалб қилиб, қўлёзма ва нашрий эртақлар материалларининг дастлабки мазмуний танишув характердаги таржимаси (Rohübersetzung)ни бажариш учун др. Габриеле Келлер билан ишлашга Германияга жўнатиб турди. У лойиҳа координатори сифатида каталог концепциясини ишлаб чиқди ва Г.Келлер билан ҳамкорликда тирик эртақчилардан ўзлари ёзиб олган сеҳрли эртақларни олмон тилига муқаммал бадий таржимасини амалга оширди ҳамда чоп эттирди. Бу лойиҳанинг пайдо бўлишига дастлабки туртки аслида Х.Рахимовнинг 1990 йилда Ўқитувчи нашриётида чоп эттирган ўзбек халқ эртақларининг олмон тилига таржимаси *Usbekische Volksmärchen* (12) китоби бўлди. Лойиҳа раҳбари Г.Келлер шу китоб орқали унинг таржимони билан 1999 йили танишиб, уни ҳамкорликка даъват қилган эди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, каталог материаллари устида ишлаш учун Биз махсус йўриқнома сифатида Г. Келлер билан биргаликда махсус “Einführung in die Märchenforschung. Эртақшуносликка кириш” номли ўқув қўлланмаси яратдик (4) ва шу қўлланма асосида лойиҳа иштирокчиларига зарурий кўрсатмалар бериб бордик ҳамда Тошкент ва Самарқанд шаҳарларида шу мавзуга оид халқаро семинарлар ўтказдик.

**Ж – ЎР ФА ЎТАФ институти Фолклор бўлими бошлиғи, профессор Маматкул Жўраев** Фолклор архивидан сеҳрли эртақларни саралаб ва уларнинг нусхаларини Германияга етказиб бериб турди. У ўзбек эртақшунослиги тарихига оид обзор мақола ҳам тайёрлаб берди ва у каталогда чоп этилди.

Шу аснода **1000 дан ортиқ ўзбек сеҳрли эртақлар** матнлари тадқиқот материали сифатида ўрганиб чиқилди ва ўзбек сеҳрли эртақларининг 145 типини мужассам қилган уч томли “**Ўзбек сеҳрли эртақлари типологик каталоги**”и чоп этилди.

**Лойиҳанинг молиялаштирилиши** Германиядаги DUWG-Олмон-Ўзбек Илмий Жамияти, Олмония тадқиқотлар жамияти ва Олмон фани жамғармалари уюшмаси томонидан амалга оширилди.

**4. Каталог концептининг “сеҳрли эртақлар” жанри билан боғлиқлиги** шу билан асосланадики, айнан сеҳрли эртақларда халқ эртақларига хос эртақнамолик, мўжизакорлик ва сеҳрлилик энг типик ва яққол тарзда кўзга ташланади. Шу хислатлар асосида яратилган сюжет ва қурилишга ҳамда жанрий ўзига хос белгиларга машхур эртақшунослар Анти Аарни, Владимир Пропп, ўзбек фольклорист олимлари Ҳоди Зариф, Тўра Мирзаев, Комил Имомов, Маматкул Жўраев ва бошқалар асосий эътибор қаратганлар.

**5. Ўзбек сеҳрли эртақлари** бир қатор омиллар, жумладан, қадимий мотивлари, образли услубий воситалари, магик символика авлоддан-авлодга ўтиб келаётган урф-одатлар тасвири, қолаверса, ўзбек кундалик ҳаётига оид воқеа-ҳодисалар, миллий урф-одатлар баёни каби хусусиятларнинг ранг-баранглиги ва кўпқирралиги билан характерланадики, буларнинг барчаси ўзбек халқи маданияти тарихига жонли назар ташлаш имконини беради.

**6. Ўзбекистон атрофидаги типлар каталоги ҳақида**



Ўзбек сеҳрли эртақларини ўрганиш давомида яқин ва узоқ халқларнинг эртақлари билан маълум алоқадорлик мавжудлиги сабабидан каталогимизда бошқа халқлар, айниқса, **турклар ва мўғуллар** эртақлари қиёсан ўрганишга ҳаракат қилинди, чунки бу халқлар эртақлари учун аллақачон типлар каталоглари яратилган. Ўзбек эртақларини типологик жиҳатдан тавсифлаш ва таҳлил қилишда эса биз, асосан, халқаро синовлардан ўтказилган АТУ тажрибасига асосландик.

7. **КРЖ каталогининг қурилиши ва шакллантирилиши** масаласида ҳам биз биз, асосан, АТУ (А. Аarne, S. Thompson, Н. Uther) каталогига таяндик. Бироқ унга биз Ўзбекистонда кашф қилган “алоҳида эртақ айтиш турлари” деган яна битта боб қўшдик. Бу эртақлар тури ўзбек эртақчиларининг қобилияти ва фантазияси ҳақида қизиқарли ва беқиёс материал, матний ҳужжат бўлиб хизмат қилади.

Ҳар бир эртақ айтиш типи КРЖ каталогига **қўлёзмалар ва бадий манбаларга** ҳаволалар қилинган; бунда Ўзбекистон Фанлар Академияси Фолклор архиви материаллари катта ўрин эгаллайди. Буларга қўшимча кўплаб ўзбекистонлик ва чет эллик нашрлар ҳамда ўзимизнинг дала тадқиқотларимиз (экспедициялар) материаллари ҳам жалб қилинган.

Ҳар бир **айтиш типи (яни эртақ типи)** га ўзбекларнинг ҳаёти ва кундалик турмуши ҳақидаги ижтимоий-маданий хусусиятларига доир ва халқаро эртақшуносликка оид **изоҳлар ва шарҳлар** биз таҳлил қилган эртақлар типларини яхшироқ тушунишга хизмат қилади. Бу изоҳлар Ўзбекистондаги эртақ анъаналари ҳақида ёрқин тасаввур беради. Улар қисман эртақлар айтиш анъаналаридаги тарихий ҳолатлар ва ижтимоий шарт-шароитларни ҳисобга олган ҳолда бажарилган. Қолаверса, эртақчининг объектив ёки субъектив ҳикоя қилиши ҳам аниқлаш керак бўладиган ҳолат. Бунда биз эртақ персонажларининг саёҳатлари ва ўзгариши бугунги одамлар билан қай даражада алоқадор эканлигини аниқлаш ҳам муҳим.

8. Бизнинг эртақ типларига берган изоҳларимиз икки қисмдан иборат:

1) **Г. Келлернинг Х. Рахимов билан ҳамкорликда ишлаб чиққан эртақлар типига берилдиган илмий изоҳлар**да эртақ манбаларининг бадий ёки тахминий келиб чиқиши кўрсатилади. Антик манбаларга ҳавола ва ишоралар узоқ давом этган оғиздан-оғизга ўтиш йўлларини кўрсатади. Бунда зардуштийлик, шаманистик ва исломий мазмунлар кўзга ташланади.

2) **Ижтимоий-маданий дахлорликка** оид изоҳлар Х. Рахимов томонидан ишлаб чиқилган бўлиб, асли олмонзабон жамоатчилик (китобхон) га мўлжалланиб қайд қилинган бўлиб, уларда тегишли эртақлар ва уларнинг типига алоқадор бугунгача етиб келган исломий анъаналар ҳамда мерос бўлиб ўтган урф-одатлар, мақол ва маталлар, исм ва фамилияларга оид маълумотлар кўзга ташланадики, булар ҳақида фақат маҳаллий тадқиқотчигина муқобил муносабат ва фикр билдириши мумкин. (Бу изоҳларда биз, албатта, абсолют этнографик ва тарихий-историографик маълумотлар беришга даъвогар эмасмиз).

9. Табиийки, ҳамма ўзбек эртақлари ҳам халқаро типлар каталоги бўлган АТУ- даги таснифланиш ва номланишга тўғри келавермайди. Шу сабабдан бу каби оригинал ўзбекона эртақ айтиш турлари учун махсус, алоҳида янги типлар яратдик. Улар ҳам халқаро АТУ тизимида уйғунлаштирилганда халқаро фолклористик тадқиқотлар учун ўрганилиши ва топилиши осон бўлади. Айнан ана шу алоҳида ўзбекона типлар Ўзбекистоннинг ўзига хос менталитети ва анъаналари ҳақида тасаввур беради.

10. **Қамралган тарихий ва жуғрофий давр ҳамда Ўзбекистонда ўтказган ўз дала тадқиқотларимизга келсак, КРЖ** каталогимизга, асосан, 1900–1988 йилларга оид чоп этилган ва қўлёзмаларда йиғилган сеҳрли эртақлар жалб қилинди. Буларга олмон тилига Густав Юнгбауер (3) 1923 йилда ва 1978 йилда Карл Райхл (13) таржима қилган эртақлар ҳам киритилган. Буларга кўшимча 1980 йилда Вера Новак (11) чоп эттирган, 1986 йилда Илзе-Лауде Сиртаутас (2) нашр қилган; 1990 йилда Якоб Таубе (15) ўгириб чоп эттирган, 1990 йилда Хуррам Рахимов (12) таржима қилиб чоп эттирган; 2001, 2002, 2004, 2016 йилларда Габриеле Келлер ва Хуррам Рахимовлар (4–10) ёзиб олган ва чоп эттирган сеҳрли эртақлар нашрлари ҳам қўшилади. Қолаверса, бизнинг экспедицияларимиз давомида **1998, 1999 ва 2008 йилда ёзиб олинган** ва олмон тилига бизнинг таржимада чоп этилган сеҳрли эртақлар нашрлари ҳам киради.

**Ўзбекистонда ХХ асргача тизимли эртақшўнослик тадқиқотлари деярли бўлмаган.** 1943 йилдан бошлаб Ўзбекистон Фанлар Академияси тўпланган материалларни 1906 йил билан архивлаштира бошлаган. 1980 йилдан бошлаб Ўзбекистонда эртақлар адабиётида катта нашрий бўрон бошланганда халқ эртақлари матни қайта ишланган ҳолда амалга ошди. Бунда эртақларга хос оғзаки специфик услуб бадиий услуб нормаларига мослаштирилди ва эртақ матнлари новелла матнига айланиб борди. Эртақ мотивларининг бузилиш ҳолатлари содир бўла бошлади ва натижада сеҳрли эртақларни бошқа жанрлардан фарқловчи жиҳатлар ўзгариб сеҳрли эртақларнинг жанр хусусиятларига путур ета бошлади. Бу хил ёндашув хатто бугунга қадар давом этмоқда. Бунда сеҳрли эртақларнинг аслиймонандлиги йўқолади.

Мустасно тариқасида эслатилган даврдан кейин эълон қилинган ва, айниқса, бизнинг дала тадқиқотларимиз ва экспедицияларимиз мобайнида ёзиб олинган эртақлар матнлари аутентик ва аслиймонанд нашрларни ҳам айтса бўлади.

**Эртақлар ландшафти** масаласида биз, асосан, Самарқанд, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида махсус экспедициялар олиб борганмиз ва халқ оғзидан магнит тасмасига эртақлар ёзиб олганмиз. Бундан ташқари, лойихага ва каталогимизга Андижон, Фарғона, Наманган, Бухоро, Навоий, Хоразм ва Тошкент вилоятларидан ёзиб олинган ва нашр этилган эртақлар матнлари ҳам жалб этилди. Қолаверса, Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистон республикаларидаги ўзбеклардан ёзиб олинган эртақлар қўлёзмалари ҳам ўрганилди.

Ўрганилмай қолган эртақлар ландшафти — бу Қорақалпоғистон, Туркманистон, Шимолий Афғонистон, Хитой Туркистони, Саудия Арабистонидаги Бухорий ўзбекларининг ўзбекзабон аҳолиси эртақлари бўлиб, бу катта материални тадқиқ этиш келгусининг вазифаси ҳисобланади.

11. **Ўзбек сеҳрли эртақларига бошқа маданиятлар таъсири** борасида шуни айтиш мумкинки, кўплаб ҳикоя усуллари ва эртақ мотивлари Ўзбекистонга шарқий ҳудудлардан кириб келган. Айниқса, кўплаб ҳиндийзабон халқлар халқ оғзаки ижодидан форсий ва туркийзабон халқларга кириб келган Тўтинома мотивлари кўзга ташланади. Мингбир кеча эртақларига параллел равишда пайдо бўлган эртақларни, масалан, Маъруф этиқдўз ва Оловуддин ҳақидаги эртақларни эслаш кифоя. Марказий ва Ўрта Осиё ҳудудларидан келиб чиққан тожик халқ оғзаки ижодидан ҳам кўплаб ўзбек сеҳрли

эртақларига кириб келган мотивлар анчагина. Уларда 1241 йилларда ёзиб олинган *Мўғулларнинг сирли ҳикоялари* ва *Сиддиқ Кўр* номли эртақлар тўпламида осиевий шаманизм ва тибет-муғул буддизми элементлари ҳам учрайди. Қолаверса, туркларнинг кўчманчилашган аждодлари бўлган Марказий Осиё туркларининг *Бобо Кўрқут* ҳақидаги фрагментларнинг ҳам ўзбек сеҳрли эртақларига таъсири кўзга ташланади.

Кўплаб ўзбек сеҳрли эртақларининг чамбарчас таркибий қисми сифатини *Семург* қуши устидаги сирли ва сеҳрли саёҳатлар ташкил этади.

Ғарб мамлакатлари учун ўзбек сеҳрли эртақлари жуда катта ва муҳим муқояса материали ҳисобланади, чунки уларда шаманистик мотивлар мужассам. Бу мотивлар ҳақида Ғарбда уларнинг нотанишлиги сабабли адабиётларда кўплаб чалкаш фикрлар мавжуд. Албатта, Европадан, масалан, антик грек афсоналаридан ҳам ўтган талай таъсирлар кўзга ташланади. Жумладан, ўзбек сеҳрли эртақларига олмонларнинг ака-ука Гриммлар ёзиб олган эртақларидан ўтган таъсирлар ҳам топилмоқда. Буларнинг айримлари олмонча-ўзбекча таржималар таъсирида ҳам содир бўлган бўлиши мумкин.

Ўзбекистон сеҳрли эртақларига бағишланган тадқиқотларимизда Ўзбекистонда ўзига хос ва характерли белги ва хусусиятларга эга бўлган айрим халқаро маълум бўлган эртақ типлари кўзга ташланди. Бундан шундай тахмин қилиш мумкинки, бу эртақларнинг тарихий илдизларини қадимда Мовароуннаҳр ва Туркистон деб аталган бугунги кундаги Ўзбекистон ҳудудларидан излаш керак бўлади. Ушбу аспектни бизнинг каталогимиз доирасида мхсус ўрганиш ўзбекларнинг миллий онги ва эътиқодини, оғиздан-оғизга ўтиб келган сеҳрли эртақлари хазинаси мисолида жуда катта қадимий- маданий бой меросга эгалик ғурурини ва онгини кучайтириши ва мустаҳкамлаши мумкин. Айнан ана шу ният лойиҳамиз концептини ишлаб чиқишдан ва ҚРЖ каталогини яратишдан кўзланган мақсад ва вазифалардан бири эди.

Мутахассислиги фолклорист бўлган ҳамкасбларимиз учун биз айрим эртақ типлари (масалан, *Ёрилтош*, *Зарқокил* ва *Небилайкал* эртақ типлари) мисолида типологизация муаммоларини алоҳида муҳокама қилишимиз мумкин, албатта.

**Хулоса.** Мингдан ортиқ ўзбек сеҳрли эртақларини типологик рўйхатлаш ҳамда уларга каталогик тартиб ва тавсиф бериш – катта миллий ва халқаро аҳамиятга молик тадбир ва тадқиқот. Умид қиламизки, ушбу каталог орқали халқаро фолклоршунослик фани янада кенгаяди ва чуқурлашади, шу билан бирга халқаро майдонда Марказий Осиёнинг юрагида жойлашган Ўзбекистонга нисбатан сеҳрли эртақлар ватани сифатида қизиқиш янада кучаяди. Бу йўналишда дастлабки қадам сифатида ўзбек Фольклор архиви қўлёзмалари ўзбек ва немис нашрбётларида ўзбек ва немис тилларида чоп этилмоқда. Ўзбек сеҳрли эртақлари энди Ўзбекистондан ташқаридаги турли минтақаларда кенг жамоатчилик эътибори ва илмий таҳлилига ҳавола қилинмоқда. Улар халқаро кўламда фолклористлар, этнографлар, адабиётшунос ва тилшунослар, ижтимоий фанлар вакилларида катта қизиқиш уйғотишлари турган гап. Шунинг таъкидламоқчимизки, ушбу каталог дастлаб олмон тилида яратилди ва унинг дастлабки нусха варианты олмон ва ўзбек нашриётлари ҳамкорлигида чоп этилди. Уни ўзбек тилига таржима қилиш ва чоп этиш ўзбек таржимонларининг муҳим вазифаси ҳисобланади. Ўзбекча таржимасисиз бу каталогни ўзбек фолклористлари ўрганишлари мушкул ва бошланган биринчи



тажрибани давом эттиришлари қийин кечади, деб ўйлаймиз. Мазкур каталог тузиш тажрибалари асосида қатор мақола ва маърузалар тайёрланди ва биз уларни кейинги чиқишларимизда эълон қилишни режалаштирганмиз.

#### Фойдаланилган адабиётлар

1. Aarne A. *Vergleichende Märchenforschung*, MSFO 25, Helsingfors 1908, available at: [https://rusneb.ru/catalog/000202\\_000006\\_1349647/](https://rusneb.ru/catalog/000202_000006_1349647/)
2. Cirtautas I. L. *Märchen der Usbeken*. — Berlin. 1986. — 298 s.
3. Jungbauer G. *Märchen aus Turkestan und Tibet*. — Jena: Eugen Diederichs 1923. — 317 s.
4. Keller G., Rachimov Ch. *Einführung in die Märchenforschung*. Freiburg — Taschkent. 2004. — 160 s.
5. Keller G., Rachimov Ch. *Märchen aus Samarkand.*, 3.Aufl., — Denzlingen, 2004. — 288 s.
6. Keller G., Rachimov Ch. *Märchen aus Samarkand.*, 2.Aufl., — Denzlingen, 2002. — 224 s.
7. Keller G., Rachimov Ch. *Märchen aus Samarkand.*, — Kirchzarten. 2001. — 218 s.
8. Keller G., Rachimov Ch. *Usbekische Zaubermärchen aus Chiva, Buchara, Samarkand, Schachrisabz und Taschkent*. — Toshkent: Yangi asr avlodi. 2018. — 288 s.
9. Keller G., Rachimov Ch. *Zaubermärchen aus Südsibirien*. — Toshkent: Ўқитувчи, 2016. — 116 б.
10. Keller G., Rachimov Ch., Juraev M., *Typenkatalog usbekischer Zaubermärchen mit kulturhistorischen Erläuterungen*. 2 Bände. — Freiburg-Taschkent 2018. — 842 s.
11. Novak V. *Usbekische Volksmärchen*. — Москва: Радуга 1980. — 298 s.
12. Rachimov Ch. *Usbekische Volksmärchen*. — Toshkent: Ўқитувчи 1990. — 42 б.
13. Reichl K. *Usbekische Märchen*. — Бонн, 1978. — 156 s. Available at: [https://openlibrary.org/books/OL21583853M/Usbekische\\_M%C3%A4rchen](https://openlibrary.org/books/OL21583853M/Usbekische_M%C3%A4rchen)
14. Spady M. *Die Märchenkarawane*. — Berlin 1959. — 288 s.
15. Taube J. *Usbekische Märchen. Der halbe Kicherling*. — Leipzig 1990. — 225 s.
16. Thompson St. *Motif-Index of Folk-Literature, a Classification of Narrative Elements in Folktales, Ballads, Myths, Fables, Mediaeval Romances, exempla, Fabliaux, Jest-Books and Local Legends*, Indiana University Press, Bloomington and Indianapolis, 1955, available at: <https://libraries.indiana.edu/motif-index-folk-literature>
17. Uther, Hans Jörg. *The Types of International Folktales*. 3 том. — Helsinki. 2004. [https://rusneb.ru/catalog/000199\\_000009\\_002577289/](https://rusneb.ru/catalog/000199_000009_002577289/)

#### References

1. Aarne A. *Vergleichende Märchenforschung* (Comparative Fairy Tale Research), Helsingfors, 1908, available at: [https://rusneb.ru/catalog/000202\\_000006\\_1349647/](https://rusneb.ru/catalog/000202_000006_1349647/)
2. Cirtautas I. L. *Märchen der Usbeken* (Fairy tale of the Uzbeks), Berlin, 1986, 298 s.
3. Jungbauer G. *Märchen aus Turkestan und Tibet* (Fairy tales from Turkestan and Tibet), Jena: Eugen Diederichs, 1923, 317 p.

4. Keller G., Rachimov Ch. *Einführung in die Märchenforschung* (Introduction to fairy tale research), Freiburg, Taschkent, 2004, 160 p.
5. Keller G., Rachimov Ch. *Märchen aus Samarkand.*, 3. Aufl. (Fairy Tales from Samarkand), Denzlingen, 2004, 288 p.
6. Keller G., Rachimov Ch. *Märchen aus Samarkand.*, 2. Aufl. (Fairy Tales from Samarkand), Denzlingen, 2002, 224 p.
7. Keller G., Rachimov Ch. *Märchen aus Samarkand* (Fairy Tales from Samarkand), Kirchzarten, 2001, 218 p.
8. Keller G., Rachimov Ch. *Usbekische Zaubermärchen aus Chiva, Buchara, Samarkand, Schachrisabz und Taschkent* (Uzbek Fairy Tales from Chiva, Bukhara, Samarkand, Shakhrisabz and Tashkent), Tashkent: Yangi asr avlodi, 2018, 288 p.
9. Keller G., Rachimov Ch. *Zaubermärchen aus Südbekistan* (Magic fairy tales from Southern Uzbekistan), Tashkent: Ukituvchi, 2016, 116 p.
10. Keller G., Rachimov Ch., Juraev M. *Typenkatalog usbekischer Zaubermärchen mit kulturhistorischen Erläuterungen. 2 Bände* (Type catalogue of Uzbek magic tales with cultural-historical explanations), vol. 2, Freiburg-Taschkent 2018, 842 p.
11. Novak V. *Usbekische Volksmärchen* (Uzbek Folk Tales), Moscow: Raduga 1980, 298 p.
12. Rachimov Ch. *Usbekische Volksmärchen* (Uzbek Folk Tales), Tashkent: Ukituvchi 1990, 42 p.
13. Reichl K. *Usbekische Märchen* (Uzbek Fairy Tales), Bonn, 1978, 156 p., available at: [https://openlibrary.org/books/OL21583853M/Usbekische\\_M%C3%A4rchen](https://openlibrary.org/books/OL21583853M/Usbekische_M%C3%A4rchen)
14. Spady M. *Die Märchenkarawane* (The Fairytale Caravan), Berlin 1959, 288 p.
15. Taube J. *Usbekische Märchen. Der halbe Kicherling* (Uzbek Fairy Tales. Half the chickling), Leipzig 1990, 225 p.
16. Thompson St. *Motif-Index of Folk-Literature, a Classification of Narrative Elements in Folktales, Ballads, Myths, Fables, Mediaeval Romances, exempla, Fabliaux, Jest-Books and Local Legends*, Indiana University Press, Bloomington and Indianapolis, 1955, available at: <https://libraries.indiana.edu/motif-index-folk-literature>
17. Uther H. J. *The Types of International Folktales*. 3 vol. Helsinki, 2004, available at: [https://rusneb.ru/catalog/000199\\_000009\\_002577289/](https://rusneb.ru/catalog/000199_000009_002577289/)